



TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS

ФОРУМ СОСТОИТ ИЗ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИХ КОНФЕРЕНЦИЙ, ПРЕДСТАВЛЯЮЩИХ МАСТЕР-КЛАССЫ И ЛИТЕРАТУРНЫЕ ВЫСТАВОК И ПРИМЕРЫ РАБОТ, ПРЕДСТАВЛЯЮЩИЕ КРУПНУЮ ПЛОЩАДКУ ДЛЯ ОБМЕНА НАУЧНЫМ И ПРАКТИЧЕСКИМ ОПЫТОМ В СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СФЕРЕ МЕЖДУ УЧЕНЫХ И ОТЕЧЕСТВЕННЫХ СПЕЦИАЛИСТОВ

1ST TSUE DEVELOPMENT
STRATEGY FORUM

II КОНФЕРЕНЦИЯ ПО ТРАНСФОРМИРОВАНИЮ
ЖАРАЙНДА МОЛДИЯ И ТИЗИММА
БУХГАЛТЕРИЯ И ХИСОБИ
АРХИТЕКТУРА И ГАСИНИЧИ
МАСАЛАЛАРИ

RAQAMLI IQTISODIYOT VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI

ELEKTRON ILMIY JURNALI MAXSUS SON

2022

ORGANIZING THE 1ST TSUE DEVELOPMENT STRATEGY FORUM
TO DISCUSS THE CURRENT TRENDS IN THE NATIONAL ECONOMIC TRENDS. THE AIM OF THE FORUM IS TO
CREATE A PLATFOM FOR THE EXCHANGE OF IDEAS AND EXPERTISE ON VARIOUS TOPICS
IN THE FIELD OF ECONOMICS. THE CURRENT TRENDS IN THE ECONOMIC DEVELOPMENT IS

20-21 ОКТЯБРЬ | ФОРУМ СТРАТЕГИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY

Илмий электрон журнал | Scientific electronic journal

МУАССИС | FOUNDER

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Tashkent State University of Economics

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD

Шарипов Конгратбой Аvezimbetovich – т.ф.д., профессор

Sharipov Kongratboy Avezimbetovich – doctor of technical sciences, professor

БОШ МУҲАРРИР | EDITOR-IN-CHIEF

Абдуллаев Мунис Курбонович – и.ф.ф.д. (PhD), доцент

Abdullahayev Munis Kurbonovich – PhD, docent

БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ | DEPUTY CHIEF EDITOR

Вафоев Бобуржон Расулович – и.ф.н., доцент

Vafoev Boburjon Rasulovich – PhD, docent

МАСЬУЛ КОТИБ | EXECUTIVE SECRETARY

Л.А. Аблазов | Ablazov L.A.

ВЕБ-АДМИНИСТРАТОР | WEBMASTERS:

Н.Я. Нурсайдов, А.Ш. Махмудов | Nursaidov N.Ya., Makhmudov A.Sh.

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ | EDITORIAL BOARD

С.С. Гулямов – и.ф.д., академик.

Б.А. Бегалов – и.ф.д., профессор.

М.П. Эшов – и.ф.д., профессор.

О.Қ. Абдурахмонов – и.ф.д., доцент.

К.Б. Ахмеджанов – и.ф.д., профессор.

И.М. Алимардонов – и.ф.д., доцент.

Р.Салиходжаев – и.ф.ф.д. (PhD).

Проф. Холназар Амонов (Чехия).

Проф. Ҳамид Эргашев (Англия).

Проф. Карина Татек Банетти (Чехия).

Проф. Одиложон Абдурассаков
(Германия).

Проф. Эко Шри Маргианти (Индонезия).

Проф. Дмитрий Назаров (Россия).

Проф. Н.М. Сурнина (Россия).

Проф. Марк Розенбаум (АҚШ).

PhD. Абдул-Рашид (Афғонистон).

PhD. Аҳмед Моҳамед Азиз Исмоил (Миср)

PhD. Бекзод Саидов – (АҚШ).

А.А. Исмаилов – и.ф.д., профессор.

И.Е. Жуковская – и.ф.д. (DSc), профессор.

Т.С.Кучкоров – и.ф.д. (DSc), профессор.

Р.А. Дадабаева – и.ф.н., доцент.

Ш.И. Ҳашимходжаев – и.ф.н., доцент.

А.А. Абидов – т.ф.н., доцент.

И.М. Абдуллаева – и.ф.н., доцент.

Н.Б. Абдусаломова – и.ф.д. (DSc),
профессор.

Р.Х. Насимов – т.ф.н., доцент.

А.Б. Бобожонов – и.ф.ф.д. (PhD).

С.О. Ҳомидов – и.ф.ф.д. (PhD).

Ш.С. Егамбердиев – и.ф.ф.д. (PhD).

MUNDARIJA:

Азларова Азиза Ахроровна ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИДА БАНК ТИЗИМИ АРХИТЕКТУРАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	4
Абидов Абдужаббор Абдухамидович, Мирзаахмедов Дилмурод Мирадилович АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ УГРОЗ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ	8
Абдулаев Мунис Курбанович, Зарипов Баҳодир Бобомурод ўғли ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ Қўллашнинг илфор хорижий тажрибалари	13
Мансуров Мансур Алишерович ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҒАЗНА ИЖРОСИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ	19
Яхшиева Мавлуда Турсуновна ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ КАК СРЕДСТВО ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ И КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ	25
To'rabekov Farxod Sanaqulovich, Shofiddinova Zulfizar Ixtiyor qizi TA'LIMDA RAQAMLI (DIGITAL) TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING DIDAKTIK IMKONIYATLARI	30
Абдураширова Марина Сагатовна РАҶАМЛИ ИҚТISODIЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДАВРИДА ОЛИЙ МАЪЛУМОТ	34
Nabiyeva Feruza Odilovna, Abdullayev Munis Qurbanovich ELEKTRON TIJORATNING RIVOJLANISHIGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR: O'ZBEKISTON MISOLIDA	41
Homidov Hamdam Hasan o'g'li, Ablazov Lazizbek Abdiqosimovich QISHLOQ XO'JALIGI SAMARADORLIGINI STATISTIK TAHLIL QILISHDA SUN'IY INTELLEKT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISHDAGI HARAKATLAR	50
Karimova Shirin Zoxidovna JAHON IQTISODIYOTIDA ELEKTRON TIJORATNING AHAMIYATI	55
Мирзакаримова Мухаббатхон Махмуд қизи СУНЬЙИ ИНТЕЛЛЕКТ ОРҚАЛИ МАСАФОВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	60

Boboqulov Abror Abdug'ani o'g'li	PROSPECTS OF IMPLEMENTATION OF "ARTIFICIAL INTELLECT" IN UZBEKISTAN	66
Абдуллаев Ҳабибулло Асадулла ўғли	РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА САНОАТЛАШТИРИШ - МИНТАҚА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ СИФАТИДА	71
Rajabov Doniyor Dilshod o'g'li	BOSHQARUV HISOBIDA BIZNES JARAYONLARINI AVTOMATLASHTIRISHNI TAKOMILLASHTIRISH	75
Файзиева Муяссарзода Ханчаровна	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИГА ЎЗБЕКИСТОН ЭҲУКУМАТИ РИВОЖЛANIШИНинг ТАЪСИРИ	81
Hamidov Sardor Rahmonovich	TRANSFORMATION OF THE BANKING SECTOR IN THE CONDITIONS DIGITALIZATION OF THE WORLD ECONOMY	89
Boltayeva Dilafza Jumaqulovna	IS-LM-BP MODELINING MOHIYATI, ASOSIY XUSUSIYATLARI VA MEZONLARI	94



org/10.46328/ijonse.32.

9. Sander, Tamm. 2021. "100 Essential E-Learning Statistics for 2021". <https://e-student.org/e-learning-statistics/>.

10. Syverson, M. A., and John Slatin. "Evaluating learning in virtual environments." (2010). www.learningrecord.org/caeti.html (accessed 15 October 2020).

11. KPMG . 2015. "Corporate Education Corporate Digital Learning" 1–38. KPMG/IMD.

<http://www.topuniversities.com/university-rankings/world-university-rankings/2010> (Retrieved November 25, 2011).

12. <http://www.zki.de/der-verein/> (Retrieved November 21, 2011).

13. Кушнир М. Цифровая образовательная среда. – URL: <https://medium.com/direktoria-online/the-digital-leaming-environment-f1255d06942a0taTa> обращения: 17.01.2018).

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҒАЗНА ИЖРОСИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мансуров Мансур Алишерович,

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Корпоратив бошқарув кафедраси
мудири, PhD, доцент

Аннотация

Мақолада давлат молиясини бошқаришда автоматлаштирилган ахборот тизимларини қўллаш ва бошқарувни рақамлаштириш бўйича истиқболли йўналишларга тўхталиб ўтилган. Шу билан бирга, унинг назарий ва амалий аослари ёритилган. Мақолада Дунё бўйича рақамли иқтисодиёт статистикаси келтирилган. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинган.

Калит сўзлар

Бюджет, Автоматлаштирилган ахборот тизимлари (ААТ), Глобал интеграциялашган ахборот тизими (ГИАТ), бюджет даромадлари, бюджетлараро трансферлар, маҳаллий бюджет барқарорлиги, рақамли иқтисодиёт, ғазна.

Кириш. Йилдан йилга ахборот технологиялари давлатнинг самарали иқтисодий тараққиётини таъминлашда муҳим омил бўлиб бормоқда. Ишлаб чиқаришда ахборот технологияларини қўллаш ва уни рақамлаштириш иқтисодиётнинг турли тармоқлари, шу жумладан, давлат молиясини бошқаришда автоматлаштирилган ахборот тизимларини ва уни рақамлаштиришни кенг жорий қилишни тақозо қиласди.

Бугунга кунгакелиб дунё бўйича рақамли иқтисодиёт 11,5 трлн. АҚШ долларини ёки ЯИМнинг 15,5 фоизини ташкил этиб, олиб борилган тадқиқотларга кўра, интернетнинг саноатда кенг миқёсида ривожланиши рақамли иқтисодиёт улушининг 2025 йилда ЯИМга нисбатан 24,3 фоизга этишига олиб

келиши мумкин [1].

Мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда кенг миқёсида рақамли технологияларини қўллаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, 2015 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Электрон хукумат тўғрисида" гиқонуни қабул қилинди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилда ПФ-6079-сон билан Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида электрон хукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларини янада ривожлантириш, республиканинг барча худудларида IT-паркларни ташкил этиш, худуд

ва тармоқларни рақамли трансформация қилишга қаратилган “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси қабул қилинди. Ушбу стратегияда молия тизимида ҳам рақамли трансформация қилиш юзасидан устувор лойиҳалар белгилаб берилди [2].

Булар жуда кенг қамровли ва мураккаб операциялар жамланмасидан иборат бўлиб, уларни рақамли технологиялар ёрдамида амалга оширишни таъминлаш жуда катта иқтисодий фойда беради. Бундан ташқари, бу ўзгариш бюджет тизимини бошқаришни осонлаштиради, меҳнат сарфи ва моддий харажатларни кескин қисқартиради. Афсуски, биз бюджет тизимига рақамли технологияларни киритиш соҳасида ҳам анча орқада қолиб кетдик [3].

Бюджет тизими катта ҳажмдаги ахборот оқимлари кесишуvinинг маркази ҳисобланади. Бюджет жараёнининг ахборот оқимлари оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлгани ҳолда уларни содалаштирилган тарзда қайта ишлаш ва автоматлаштириш учун бир тизимга солинишини ва тартибга келтирилишни талаб қиласди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, блокчен тизими асосида айнан бюджет жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимларини (ААТ) жорий этиш ва ривожлантириш ушбу мамлакатларда иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Блокчейн тизими молиявий ахборотни хавфсиз равища алмашиш ҳамда сақлаш имконини яратадиган технология бўлиб, операцияга четдан аралашиш, ҳужжатларни сохталаштириш ва бузиш имконияти йўқ.

Бюджет жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари реал вақт режимида бюджет жараёни ахборот оқимларини комплекс ҳисобини олиб бориш ва иқтисодий таҳлилни ташкил этиш натижасида уларнинг ҳаққонийлигини ва тезкорлигини оширади ҳамда тезликда тегишли оқилона бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон яратади.

Табиийки, мамлакатимизда давлат бюджети жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш босқичма-босқич амалга оширилаётган бўлиб, бюджет жараёни тўлиқ автоматлаштиришни, яъни реал вақт (on-line) тизимида бюджет жараёни

ахборот маконини яратишни мақсад қилиб қўяди.

Адабиётлар шарҳи. Кўпгина тадқиқотчилар давлат бюджети ғазна ижросини автоматлаштиришни назарда тутувчи турли назария ва амалиётларни тадқиқ этишган.

Иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, агарда ахборотларни автоматлаштиришнинг биринчи босқичида молия органларида вазифаларнинг тор доирадаги айрим бўлаклари оддий кичик дастурлар, яъни сметаларни, молия режаларини ҳамда бошқа молия ҳужжатларини комп’ютерларда шарҳлаш ва унинг асосий мақсади қўл меҳнатини камайтиришдан иборат бўлган бўлса, иккинчи босқичда айрим вазифалардан ташкил топган йирик вазифани йиғиш ҳаракатлари дастурланган, яъни “Глобал интеграциялашган ахборот тизими” (ГИАТ) ва “Ахборотни қайта ишлаш корпоратив ахборот тизими” (АҚИТ), ёки Фазначилиқдаги биринчи “ТРЕЖЕРИ” дастурлариdir. Бунда асосий мақсад қўл меҳнати билан бир қаторда ишончсиз маълумотлар билан боғлиқ бўлган хатолар сонини камайтиришдир. Унинг асосий камчиликлари, биринчидан, бюджет жараёнининг асосий қисмлари қамраб олинмаган, дастурлар мажмуаси интеграцияланмаган, иккинчидан, эскирган содда технологиялар асосида яратилган. Учинчидан, уни такомиллаштиришнинг ва тўртинчидан, бюджет ижросини қамраб олиш имкониятларининг йўқлиги билан изоҳланади. Шу билан бир қаторда, бюджет жараёни бошқаришни автоматлаштириш тизимининг учинчи босқичида эса молиявий вазифаларни автоматлаштиришнинг дастурий мажмуаларини бирлаштиришни (интеграция) таъминлашдан иборат бўлади. Тўртинчи босқич эса, ўз навбатида, бюджет жараёни ягона ахборот макони “Электрон бюджет”ни яратишни мақсад қилиб қўяди.

Шундан келиб чиқиб Т. Эшназаров: “Электрон бюджет” дастурий мажмуасини яратиш учун авваламбор унинг яқин келажакка мўлжалланган концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга муфвиқдир” – деган фикрни билдиради [4].

Хусусан, Захарова Н.М. “Марказлашган ахборот тизимининг афзалликлари давлат молиясини бошқаришга унинг иштирокчилирига ягона бир хил талабларни қўйилишидир. Унинг камчиликлари ташки ўзгаришларга ва фойдаланувчиларнинг талабларига

етарли даражада мослашмаганлик, шунингдек, тизимнинг ишончли ишлашини ва ахборот ресурсларининг хавфсизлигини таъминлаш харажатларининг кўплиги” – деб хисобласа [5], “Давлатнинг бюджет сиёсатида очиқлик ва шаффофлик сиёсатини амалга оширишнинг асосий воситаси бу бюджет жараёнида рақамли ахборот технологияларининг кўлланишидир” – дейди Аблязов Т.Х., Петров И.С.лар[6]. Р. Артюхиннинг[7], фикрига кўра, автоматлаштирилган бюджет жараёни тизимида, биринчидан, биз молиявий интизомнинг тубдан яхшиланишини қайд этамиз. Энди бутун занжир кўринади, ҳамкорликнинг бутун занжири бўйлаб ўтказилган аванслар кўринишидаги ресурсларнинг кузатилиши таъминланади. Шу билан бир қаторда, россиялик олим Дроздов О.И. “Ғазначилик органларида замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши уларнинг вазифа ва функциялари самарали бажарилишига имконият яратади”, деган фикрни билдирса [8], Олим Anwar Shahнинг фикрича: “Ривожланган мамлакатларда молиявий жараёнлар молиявий ислоҳот билан бошқарилиши керак. Молиявий тизим дизайнини шакллантирилгандан сўнг сиз автоматлаштириш стратегиясини белгилашингиз керак. Ушбу стратегия мақсадли бўлиши керак: қайси компонентлар автоматлаштирилган, қайси компонентлар бирлаштирилиши ва қайсилари қўлда бажарилиши керак” [9]. Профессор Олимжонов О. эса “Raқамлаштирилган бюджет ижроси тизими жуда кенг қамровли ва мураккаб операциялар жамланмасидан иборат бўлиб, уларни рақамли технологиялар ёрдамида амалга оширишни таъминлаш жуда катта иқтисодий фойда беради. Бундан ташқари, бу ўзгариш бюджет тизимини бошқаришни осонлаштиради, меҳнат сарфи ва моддий харажатларни кескин қисқартиради”, деб таъриф беради [3].

“Электрон бюджет”нинг мақсади, биринчи навбатда, давлат бошқарув органларининг бюджет маблағларини бошқариш ва уларни сарфлашда ошкораликни, шаффофликни ва ҳисобдорликни таъминлаш бўлса, иккинчидан, замонавий ахборот-телекомуникация технологияси асосида ягона ахборот макони рақамли технологиялар воситасида, давлат бюджетини шакллантириш уни ижро этиш, харажатлар монторинги, таҳлили ва уни бошқариш менежментининг сифати ва самарасини оширишдан иборатdir.

Номарказлашган ахборот тизимининг афзаллиги яратиш давомида уни ҳар қандай ҳолатга мослаштириш мумкин. Шу билан бир қаторда, у кўп меҳнат талаб қиласи, доимий керакли ахборотни бермайди ва босқичмабосқич амалга оширилади. Бизнингча, бу икки тизимни унификация қилган ҳолда улардан фойдаланиш кўпроқ имкониятларни очади.

“Электрон бюджет”нинг архитектураси электрон шаклда маълумотлардан унинг барча иштирокчилариға фойдаланиш, уларни солиштириш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, “Электрон бюджет” тизими биринчи навбатда:

- давлат бюджетини шакллантириш ва стратегик режалаштириш, давлат дастурларини(инвестициядастуривабқ.)ижросининг молиявий натижаларини мониторинг қилишнинг узвий боғлиқлигини таъминлайдиган воситаларни яратиш;

- бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ижро этиш жараёnlарини амалга ошириш ва бир-бирига интеграция қилиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, шунингдек, бюджет ташкilotларининг ҳисботини ва бошқа аналитик ахборотларини тайёрлаш;

- бюджет жараёни билан бюджет ташкilotларининг эҳтиёjlари учун товарлар, ишлар ва хизматлар, давлат харидини режалаштириш, уларни етказиб беришга буюртмалар бериш ҳамда буюртмаларни жойлаштириш натижасида тузилган шартномаларини бажариш тартиби ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш;

- давлатнинг давлат молиясини бошқариш соҳасидаги фаолиятнинг режалаштирилган ва амалдаги молиявий натижалари тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка доимий етказиб туриш вазифаларини бажарди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гуруҳлаш, қиёслаш, ретроспекция ва истиқболли, эмперик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. “Электрон бюджет” тизими давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бюджет ташкilotларининг давлат молиявий ресурсларини (давлат бюджети, мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармалар) бошқариш, уни сарфлаш билан боғлиқ фаолият функциялари тизимлари, ахборот хизматларини ихтиёрий равища тақдим этишни таъминлайдиган хизматлар тизимлари, шунингдек, фуқаролар

ва ташкилотларнинг молиявий-иқтисодий фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги ва фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган бюджет тизимининг ягона порталини марказлашган дастурий тизимларини (фуқаролар учун очиқ бюджет, вазирлик ва идораларнинг сайтлари ва б.) ўз ичига олади. Ягона портал икки очиқ ва ёпиқ қисмидан иборат бўлади. Порталнинг очиқ қисмida жамоатчилик учун зарур бўлган маълумотлар, ёпиқ қисмida порталдан фойдаланиш учун рухсатга эга ва ваколатли бўлган фойдаланувчиларнинг шахсий кабинетлари бўлади.

“Электрон бюджет” бу архитектурада берилган ва бошқа тегишли дастурий тизимларнинг интеграллашган дастурий мажмуаси ҳисобланади ва ундан республиканинг исталган худудида фойдаланиш мумкин бўлади.

Мамлакатимизда давлат бюджети жараёнини рақамли технологиялар воситасида ахборот маконини яратиш бу, биринчи навбатда, бюджет жараёнининг асосини ташкил этган бюджетни газна ижросини автоматлаштирилган ягона ахборот тизими билан таъминлашни талаб этади. Бутизим “Электрон бюджет”нинг ядросини ташкил қиласди.

Бугунги кунда давлат бюджетининг ғазна ижросини автоматлаштирилган ахборот

тизимисиз тасаввур қилиш жуда қийин. Газна тизимининг барча даражаларида бюджет ижросини бошқаришнинг истиқболли ва самарали автоматлаштирилган ахборот тизимини барпо этиш республиканинг бутун ғазна тизими ишлашининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Юқори савияда автоматлаштирилган ахборот тизимига эга бўлган бюджет ижросини бошқариш тизими нафақат давлат бюджетининг самарали ижросини таъминлашга, балки турли даражадаги молия органлари ҳамда божхона, банк, солиқ ва давлат даромадлари(йигимлар, тўловлар ва б.) ва харажатлари ижроси билан боғлиқ бошқа давлат ва хўжалик органларнинг, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчиларнинг Газначилик органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишга қодир бўлиб, яқин келажакда нафақат бюджет жараёни ахборот маконини, балки давлатнинг молия тизимини бошқаришнинг ягона ахборот тизими макони “Электрон бюджет”ни яратишга имкон беради. “Электрон бюджет” дастури “Электрон хукумат” дастурининг асосий қисмини ташкил этади.




1-чизма. “Электрон бюджет”нинг архитектураси

Давлат бюджети ижросининг ғазна тизимига ўтиш бюджет ижросининг механизмига, бюджет ҳужжатлари айланиши тизимига, ахборот оқимлари ҳаракатига ва ҳисоб-китоблар

технологиясига тегишли ўзгаришларни киритиш зарурлигини назарда тутади.

Бюджет ижроси тизими концептуал моделини кўриб чиқамиз (4.3.1-расм).

Куйида юқори ва такомиллашган ахборот тизимига мўлжалланган давлат бюджетининг фазна ижроси концептуал модули 4.3.1-расмда келтирилган.



4.3.1-расм. Ғазначиликнинг Автоматлаштирилган ахборот тизими концептуал модули

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексигамувиғи бюджетташкилотларининг ҳисобварақлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган ЯФХда жамланади. ЯФХга давлат бюджетининг ижросига доир барча молиявий ахборот келиб тушади, яъни солиқ тўловчилардан бюджетга барча тушумлар ЯФХга йўналтирилади ва дарҳол ЯФХ ААТда акс эттирилади. Давлат бюджети даромад ва харажат қисмларининг ижросига доир ҳужжатлар айланишининг шаклланиши ва уларни ижро этиш шартлари тўғрисидаги ахборот оқимлари ва маълумотлар ААТ бўйича ўтади.

ААТ дастурий мажмуя таъминоти таркибига асосан куйидаги функционал кичик тизимлар киради: режали маблағ билан таъминлашни бошқариш; мажбуриятлар ва тўловларни бошқариш; тушумларни бошқариш; кассали режалаштириш ва бошқариш; банк орқали бошқариш; қарзни ва қатъий белгилангандаромадли молиявий активларни бошқариш; Бош китобни юритиш; бюджет ижроси иштирокчиларининг ҳисоб-китоби ва бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар; очиқ бюджет ва ахборот хизматлари; бюджет ташкилотлари ходимларини иш ҳақларини тўғридан-тўғри тўлаб бериш; тизим маъмурчилиги; давлат харидларини ҳисобга

олиш, маблағларни кузатиш, хавфсизлик ва ахборотни ҳимоялаш ҳамда идоралараро ўзаро ҳамкорлик. Агарда кўзда тутилган ахборот дастури яратилса, бюджет ташкилотлари, ғазначилик бўлинмалари ва молия бўлимлари ходимларининг камида 50 фоизини иқтисод қилишга эришилади. Яъни, туман ғазначилик бўлинмаларидаги бугунги (туман, шаҳар) 6-8 та бошқармаларда 19-34 ходим ишлаётган бўлса, 50 фоизга қисқаради. Шунга яраша иш ҳақидан ҳам иқтисод қилинади. 2020 йил 1 январь ҳолатига ғазначиликда 1619 та (техник ходимлардан ташқари)

ходим ишлаётган ва уларнинг харажатлари 200,0 млрд. сўм атрофида бўлса, мос равишда уларнинг сони 800 тага яқин ва харажатлари 100,0 млрд. сўмга камаяди. Шу билан бир қаторда, бюджет ташкилотларининг ходимларининг иш ҳақларини ҳисоблаш ва уни тўлаб бериш ҳисобига ҳар бир бюджет ташкилотидаги иш ҳақини ҳисобини олиб борадиган ҳисобчи ва кассир лавозимлари қисқаради. 2021 йилнинг 7 ойига (ғазначилик маълумоти) бюджет ташкилотларининг ўртача сони 20,0 мингга яқин ҳисобланса, шунча ҳисобчи ва кассир қисқаради ҳамда бюджет маблағи иқтисод қилинади.

Хулоса ва таклифлар. Бокчен тизими асосида айнан бюджет жараёнини бошқа-

ришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимларини (ААТ) жорий этиш ва ривожлантириш мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлашга имконият яратади.

Бюджет жараёнининг ягона ахборот макони деганда – “ягона тамойил ва умумий тартиблар асосида бюджет жараёнида ташкилот ва инсонларнинг ахборот ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда уларга бўлган эҳтиёж ва талабни қондириш учун ишлаётган ахборот-телекомуникация тизим ҳамда тармоқлари технологияси ва бошқаруви маълумотлар банки ҳамда базасининг йифиндиси”ни тушуниш лозим.

Фикримизча, “Электрон бюджет” тизими биринчи навбатда:

– давлат бюджетини шакллантириш ва стратегик режалаштириш, давлат дастурларини (инвестиция дастури ва б.к.) ижросининг молиявий натижаларини мониторинг қилишнинг узвий боғлиқлигини таъминлайдиган воситаларни яратиш;

– бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ижро этиш жараёнларини амалга ошириш ҳамда бир-бирига интеграция қилиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, шунингдек, бюджет ташкилотларининг ҳисботини ва бошқа аналитик ахборотларини тайёрлаш;

– бюджет жараёни билан бюджет ташкилотларининг эҳтиёжлари учун товарлар,

ишлар ва хизматлар, давлат харидини режалаштириш, уларни етказиб беришга буюртмалар бериш ҳамда буюртмаларни жойлаштириш натижасида тузилган шартномаларини бажариш тартиби ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш;

– давлатнинг давлат молиясини бошқариш соҳасидаги фаолиятнинг режалаштирилган ва амалдаги молиявий натижалари тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка доимий етказиб туриш вазифаларини бажаради.

Давлат бюджети даромадлари ва харатлари ҳисобини юритиш бўйича ягона вакиллик ҳисобварагини бошқариш учун ААТ қошида ахборот оқимларининг ягона тизимининг яратилиши: ҳисоб-китоблар илғор технологиясини иқтисодий ва ташкилий шароитларга мослаштирган ҳолда электрон тўлов тизими ва маълумотларни узатиш тизими бўйича ахборот алмашуви билан боғловчи ахборотни қайта ишлаш ҳамда узатиш ягона технологиясини яратиш; ЯFXдан харражатларни молиялаш учун ресурсларни жамлаш; давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларга даромадларнинг ўтказилишини тезлаштириш, мавжуд ҳимояланган алоқа тармоқларидан ахборотни қабул қилиш ва узатиш учун фойдаланиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Digital Spillover-Oxford Economics <https://www.oxfordeconomics.com>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармонига 15а-илова.
3. Олимжонов О. Рақамли технологиилар ва уларни Ўзбекистон молия соҳасига жорий этиш истиқболлари. Ж: Иқтисодиёт: Таҳлиллар ва прогнозлар № 4 (14), 2021. – 106 б.
4. Эшназаров Т.Ш. Ўзбекистон Республикасида Фазначилик тизими асослари. – Тошкент. Иқтисод-молия, 2012.
5. Захарова Наталья Михайловна. Интегрированная информационная система управления общественными финансами “Электронный бюджет”: Значение и тенденции развития. Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации: Ж: Экономика. Налоги. Право. 2018. № 2, 155 стр.
6. Аблязов Т.Х., Петров И.С. “Направления совершенствования механизма открытости и прозрачности государственной и муниципальной бюджетной политики в условиях цифровой экономики”. Ж: “Modern Economy Success”, 2020 № 4. 12–15 стр.
7. Артиюхин Р. Глава Казначейства: у нас будет самый широкий набор инструментов управления активами. <https://tass.ru/interviews/7567251.2020.g>.
8. Дроздов О.И. “Автоматизация как неотъемлемая часть казначейского исполнения федерального бюджета”. Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. М.: 23 (191) – 2007.
9. Anwar Shah. Budgeting and budgetary institutions. The World Bank. Washington D.C. –

2007. (324-бет). <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/6667/399960PA-PER0Bu10082136939301PUBLIC1.pdf>

10. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси 3-модда. <https://lex.uz/docs/2304138>.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/docs/5186044>.

12. Приоритеты государственного регулирования экономики. Ростов-на-Дону: СКАГС, 1998. С. 34.

13. Гилёва А.А. Формирование и использование общего бюджета Е.С. Диссертация. Москва. – 2011.

14. <https://www.rbc.ru/economics/23/03/2021>

15. <https://ru.tradingeconomics.com>

16. <https://yury-st.livejournal.com/293354.html>

17. Чепель С.В. и др. “Макроэкономика”. – М.: 2007. С. 22–39.

18. <https://mineconomy.uz>. Экономическое обозрение №1 (251) 2021

19. Ортиков Н., Давлетов Ф. Бюджетный дефицит в оптимизации. Ж: Экономическое обозрение. № 1 (251), 2021.

20. Мансуров М.А. Основные факторы развития государственной финансовой системы. “Новый университет”. Россия: 07-08, 2014.

21. Eshnazarov Tulqin Sheraliyevich and Mansurov Mansur Alisherovich. “Banking and credit facilities for improving the treasury system”. American Journal of Economics and Business Management. 1.3 (2018): 16–25.

Mansurov M. A. Functional Model of Improving the Treasury System in Budget Execution //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – Т. 4. – Р. 1–7.

ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ КАК СРЕДСТВО ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ И КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ

Яхшиева Мавлуда Турсуновна,

к.э.н., доц., Главный специалист международного центра учебных, научно - инновационных исследований “Университет 3.0” Ташкентского Государственного Экономического Университета

Аннотация

В данной статье освещены – современные аспекты дальнейшего развития науки в Узбекистане, воспитание молодежи с глубокими знаниями, высокой духовностью и культурой, эффективное использование цифровых технологий в развитии экономики а также воспитания интеллектуально одаренных кадров, обладающих современными знаниями в этой области, создания в стране среды «информационного общества».

Калит сўзлар

Качества образования, кадры, инновационные идеи, цифровая экономика, блокчейн, дистанционное образование, электронные платежи.

Введение. Цифровая революция, проявляющаяся как новый этап экономического и технологического развития, стремительно

меняет человеческую жизнь, создает широкие возможности, начинается период дальнейшего сужения поля международной конкуренции. В



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY
Илмий электрон журнал | Scientific electronic journal

Muharrir:
Yaxshiyev H.T.
Musahhih:
Matxo'jayev A.O.
Tehnik muharrir:
Kamilova D.D.

Litsenziya AI: № 2537 08.02.2022 y. Bosishga ruxsat etildi: 18.10.2022.
Qog'oz bichimi: 60x84 1/8. Shartli bosma tabog'i: 12,75.
Adadi: 50 nusxa. № 19/10-2022-sonli buyurtma.

"IMZO PRINT MEDIA GROUP" XK matbaa bo'limida chop etildi.
100050, Toshkent sh., Mirzo Ulug'bek tumani, Mirxosilboy ko'chasi, 55-uy.

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS

КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЫ
SCHOLAR, INSCIENCE
ИЛМИЙ-ТЕХНИК
ИНДЕКСАЦИЯ КИЛИНИШИ

ФОРУМ СОСТОИТ ИЗ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИХ МАСТЕР-КЛАССОВ И ЛИТЕРАТУРНОЙ ПЛОЩАДКИ ДЛЯ ОБМЕНА ВОПРОСАМИ В СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСТВЕННЫХ СПЕЦИАЛЬНОСТЯХ



+998 71 239-28-94 <http://dgeconomy.tsue.uz/>



dgeconomy_tdiu@mail.ru, dgeconomy@tsue.uz



100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.